



# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 август куни АҚШ Сенати Миллий хавфсизлик ва ҳукумат ишлари бўйича қўмитаси раиси Гэри Питерсни қабул қилди.



Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда амалий ҳамкорликни, энг аввало, икки мамлакатнинг парламентлараро мулоқоти доирасида кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзаро алоқалар ва алмашинувлар фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди. Икки томонлама савдо кўрсаткичлари ўсмоқда, АҚШнинг етакчи компаниялари иштирокидаги муваффақиятли кооперация лойиҳалари кўпаймоқда. Муҳим гуманитар дастурлар амалга оширилмоқда.

Устувор йўналишларда қўшма лойиҳаларни илгари суриш мақсадида парламентлараро ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Минтақавий кун тартибидаги масалалар, шу жумладан, АҚШ Президенти ташаббуси билан Нью-Йорк шаҳрида БМТ Бош Ассамблеяси тадбирлари доирасида ўтказиладиган "C5+1" форматидagi биринчи саммитга тайёргарлик кўриш юзасидан фикр алмашилди.

ЎА

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Матбуот хизмати сурати.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ИККИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЮҚОРИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШГАН СПОРТЧИ ВА МУРАББИЙЛАРДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва кенг оммалаштириш, юртимизнинг халқаро майдондаги шон-шухратини юксалтиришга қўшган катта ҳиссаси, спорт соҳасига қаратилаётган эътибор ва яратилган шароитлардан самарали фойдаланган ҳолда, ўзининг азму шижоати ва юксак маҳорати билан нуфузли мусобақаларда улкан натижаларга эришиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётгани, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиби, ёшларимизни она юртга муҳаббат ва садоқат, миллий, умумбашарий қадриятлар руҳида етук ва баркамол этиб тарбиялаш борасидаги алоҳида хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

“Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган ёшлар  
мураббийси” фахрий унвони  
билан

Махситов Баходир — Ўзбекистон  
спорт ташкилотлари фахрийлари кенгаши раиси

“Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган спорт  
устози” фахрий унвони билан

Ғафуров Даврон Дилмуродович —  
Ўзбекистон бокс федерацияси мураббийси

Худайбергенов Жамшид Исмаилович —  
Урганч олимпия ва паралимпия

пия спорт турларида тайёрлаш марказининг дзюдо бўйича мураббийси, Хоразм вилояти  
Ярашов Ерғали Абубакирович —  
Қибрай тумани спорт мактабининг бокс бўйича мураббийси, Тошкент вилояти

“Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган спортчи”  
фахрий унвони билан

Абдуллаев Руслан Анвар ўғли —  
Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Дўсматов Хасанбой Марфжон ўғли —  
Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Давоми 2-бетда

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ЮНЕСКО – ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО МУКОФОТИНИ ТАЪСИС ЭТИШНИ Қўллаб-қувватлаш Тўғрисида

Жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшган буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Райҳон Берунийнинг илмий-маърифий меросини халқаро даражада чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 августдаги “Буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Райҳон Беруний таваддулининг 1050 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонлаш тўғрисида”ги ПҚ-361-сон қарорига мувофиқ:

1. Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма), ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси, Ташқи ишлар вазирлиги, Фанлар академиясининг:

ЮНЕСКО билан ҳамкорликда сунъий идрок соҳасида одоб-ахлоқни тарғиб этиш орқали илмий мулоқотни рағбатлантириш бўйича Абу Райҳон Беруний номидаги ЮНЕСКО — Ўзбекистон халқаро мукофотини таъсис этиш;

Париж шаҳридаги (Франция) ЮНЕСКО бош қароргоҳида 2023 йил 4-8 сентябрь кунлари Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва ижодига бағишланган халқаро кўргазма ва тадбирларни (кейинги ўринларда — Кўргазма) юқори савияда ўтказиш тўғрисидаги таклифлари қўллаб-қувватлансин.

2. Қуйидагилар:  
ЮНЕСКО бош қароргоҳида Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва ижодига бағишланган халқаро кўргазма ва тадбирларга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш бўйича ташкилий кўмита таркиби 1-иловага мувофиқ;

ЮНЕСКО бош қароргоҳида Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва ижодига бағишланган халқаро кўргазма ва тадбирларга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2023 йил 25 август

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ИККИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИТОРЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Давлатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш, дипломатик, савдо-иқтисодий, сармоявий, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни кенгайтиришга қўшаётган катта ҳиссаси, мамлакатимиз иқтисодиётига инвестицияларни жалб этиш, самарали инновацион лойиҳалар ва қўшма дастурларни амалга ошириш, республика-миздаги кенг қамровли ислохотлар ва демократик ўзгаришларни, Ўзбекистон томонидан илгари сурилаётган глобал ва минтақавий ташаббусларни фаол

қўллаб-қувватлаш борасидаги алоҳида хизматлари, шунингдек, халқларимиз орасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлаш йўлидаги ибратли фаолияти учун қуйидагилар “Дўстлик” ордени билан мукофотлансин:

Гуржий Степан Леонидович —  
Россия Федерацияси “Лукойл” акциядорлик жамиятининг Марказий Осиё, Яқин Шарқ ва Шимолий Африка бўйича вице-президенти

Мухаммад Абунайян — Саудия Арабистони Подшоҳлиги “ACWA Power” компанияси бошқаруви раиси

Мухаммад Жамил Ал-Рамахий —  
Бирлашган Араб Амирликлари “Masdar” компанияси бош ижрочи директори

Жемил Казанжи — Туркия Республикаси “Akso Energy” компанияси бошқарув кенгаши раиси

Меҳмет Женгиз — Туркия Республикаси “Cengiz Holding” компанияси асосчиси

Шандор Чаньей — Венгрия Республикасининг “OTP Bank” бошқаруви раиси

Сейфоллах Гасеми — Америка Қўшма Штатларининг “Air Products” компанияси бошқаруви раиси

Пэрис Муратоглу — Франция Республикасининг “Total Eren” компанияси бошқаруви раиси

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2023 йил 25 август

#### БУГУННИНГ ГАПИ

### ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИГА АЪЗО БЎЛИШ ИҚТИСОДИЙ ЛОКОМОТИВ ВАЗИФАСИНИ ЎТАЙДИМИ?

Жаҳон савдо ташкилотига қачон аъзо бўламиз? Қарийб ўттиз йиллик орзу-мақсадимиз қачон ушалади? Бу борадаги ишларни жадаллаштиришнинг имкони борми, яна нималар қилиш керак ўзи? ЖСТга кириш Ўзбекистонга қандай манфаат келтиради?

Кейинги пайтда бу каби саволлар тез-тез бериладиган бўлиб қолди. Чунки ЖСТга аъзоликка эришиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг пиروвард мақсадига ҳамоҳанг.

Жаҳон савдо ташкилоти — халқаро савдони либераллаштириш, савдо ва сиёсий муносабатларни тартибга солиш билан шуғулланадиган ҳукуматлараро тузилма. У 1947 йилда тузилган халқаро битим — ГАТТнинг давомчиси ҳисобланади. Бугунги кунда дунёдаги энг йирик ҳисобланган халқаро иқтисодий ташкилотга 164 давлат аъзо ва жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 95 фоизи ушбу мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади.



Давоми 4-бетда

#### ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН!

### ҚАЛБ САХОВАТИ ВА БАҒРИКЕНГЛИК ФАЗИЛАТИ ТОТУВЛИК ВА МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТИМИЗ БОШ ОМИЛИ

Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасида бағрикенглик тамойилларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича катта тажриба тўпланган. Қўмита бугунги кунда юртимиздаги 156 та миллий маданий марказ ва 38 та дўстлик жамияти фаолиятини мувофиқлаштириб келади. Шу тариқа миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муносабатларини сақлашга имкон берадиган ўзига хос модель яратилган.

Қадимий ва саховатли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келган. Меҳмондўстлик, эзгулик, қалб саховати ва том маънодаги бағрикенглик халқимизга хос фазилат. Юртимизда тинч-тотув яшашнинг муҳим манбаи ўзбек халқининг ўзига хос менталитетидир. Зеро, асрлар давомида шаклланган меҳр-оқибат ва саховат, меҳмондўстлик ва раҳм-шафқат халқимизнинг юксак маънавий фазилатларидир. Бу фазилатлар энг оғир тарихий даврларда синовдан

ўтди ва халқимиз иродасини янада мустаҳкамлади. Бизнинг заминда кўп асрлар давомида турли этник гуруҳ, маданият ва динга мансуб аҳолининг аҳилликда яшаб келаётгани диний бағрикенглик намунаси сифатида кадр топган.

Ўзбекистон Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашгани боис, асрлар давомида бой маданий-тарихий мероси билан Европа, Яқин Шарқ, Жанубий ва Шарқий Осиёни боғлайдиган ноёб кўприк бўлиб хизмат қилган.

Давоми 3-бетда





# ҚАЛЪ САХОВАТИ ВА БАҒРИКЕНГЛИК ФАЗИЛАТИ

## тотувлик ва миллий тараққиётимиз бош омили



**Рустам ҚУРБОНОВ,**  
**Миллатлараро**  
**муносабатлар ва хорижий**  
**мамлакатлар билан**  
**дўстлик алоқалари**  
**қўмитаси раиси**

Бошланиши 1-бетда

Бугунги кунда ҳам мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандидек аҳил ва иноқ яшамоқда. 16 мазҳабдаги диний ташкилот ўз фаолиятини эркин амалга оширади. Улар умумий уйимиз — Ўзбекистон равнақи йўлида бирлашиб, барча соҳа ва тармоқларда фидокорона меҳнат қилмоқда, мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда. Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътибори юксалиши, тинчлик ва тотувлик янада кенг қулоч ёзиши йўлида турли миллатга мансуб юртдошларимиз хизмати бекиёсидир.

Ўзбекистонда ҳукм сураётган бағрикенглик муҳити, турли миллат вакилларининг ўзаро тинч-тотув яшаш тажрибаси бошқа давлатлар учун намуна бўлиши шубҳасиз. Айниқса, Иккинчи жаҳон уруши даврида бошпанасиз қолган минглаб турли миллат вакилларини ўз бағрига олган ўзбек халқи бағрикенглиги ва меҳмондўстлигини яна бир бор яққол намоян этди. 300 мингдан ортиқ етим болани ўзбек oilалари ўз фарзандидек қабул қилди. Урушдан олдин юртидан мажбуран қўчирилган неча элат ва миллат вакилларига халқимиз бағрини очди, меҳр кўрсатди, энг оғир дамда ёрдам қўлини қўзғиб, бир бурда нонини баҳам кўрди. Корейслар, немислар, турклар, поляклар, греклар, крим татарлари, чеченлар бу бағрикенг заминда иккинчи ватанини топди. Шу кунга қадар улар ўзбек халқига миннатдорлик билдириб, Ватанга муҳаббат туйғуларини изхор этмоқда.

## ИНСОН ҚАДРИ УЧУН



**Эътибор РАҲМАТУЛЛАЕВА,**  
**Қарши туманидаги**  
**Хотин-қизлар**  
**тадбиркорлик маркази**  
**раҳбари**

Мустақиллик бизга тадбиркорлик иқбolini ҳам қайтариб берди. Кичик бизнес ривожлана бошлади, ишбилармонларимиз катта корпорациялар ташкил қилди, секин-аста чет эл бозорларига чиқа бошладик.

Замон талаби ўзгариб бораверади. Шунга монанд тадбиркорлик ҳам ўз эгасидан илгор ғоялар билан иш қилишни талаб қилади. Бунга бугунги давр шиддати ва ўзгариш руҳи мисолида амин бўламиз. Кейинги йилларда дунё бозорларида талаб жиддий ўзгарди. Жуда кучли рақобат



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

# МОМОМЕРОС ХУНАРИМИЗДАН БАРАКА ТОПДИМ

Мустабид тузум даврида тадбиркорликка деярли йўл берилмади. Шу боис, бу соҳа узоқ йиллар жомадонга солиб қўйилди, тадбиркорлик қилиш ниятида бўлган ҳамюртларимиз чорасиз қолди.

муҳити пайдо бўлди. Бу глобаллашув оқибати ва замонавий технологиялар ривожланганлиги билан боғлиқ жараён сифатида изоҳланмоқда.

Мамлакатимизда ҳам ишбилармонлик муҳити тубдан ўзгармоқда. Ҳар бир соҳага инновацион ёндашувлар кириб келмоқда. Янги-янги ишлаб чиқариш турлари қўйилиб, сон ва сифат уйғунлигига эришиш йўлида қатор имтиёз ва имкониятлар берилмоқда. Тадбиркорларнинг ҳар бир эзгу ҳаракати қўллаб-қувватланмоқда.

Бу жиҳатлар биз, аёллар учун ҳам катта имкониятлар зигини очди. Улар сафида мен ҳам момомерос касбимиз тикувчилик, қўроқчилик бўйича иш бошладим. Дастлаб маҳалла ахли буюртмаларни бўйича ишладим. Фаолиятимиз кенгайиб борапти. Тикувчилик цехи очиб, ўнга яқин иш ўрни яратдим. Ҳозир туманимиз аҳолисининг талаб ва эҳтиёжидан келиб чиқиб, миллий либослар, сўзана, кўрпа-тушак тикамиз.

Тикувчилик, қўроқчилик касби қадимда қанчалик эъзозланган бўлса, бугун ҳам худди шундай ардоқли. Бу хунари эгаллаган

ўзига хос “дўстлик саройига” айланган. Бу ерда мунтазам равишда миллий халқ байрамлари, фестиваллар, концертлар, учрашувлар, таниқли маданият арбоблари чиқишлари, семинар ва конференциялар ўтказилмоқда. Қўркам бинода русларнинг “Масленица”, болгар халқининг “Мартиница”, арманларнинг “Вардавар”, полякларнинг ҳосил байрами — “Дожинки”, корейсларнинг “Чхусок”, татар ва бошқирларнинг “Сабантуй”, грекларнинг “Охи” сингари байрамлари барча миллат вакиллари иштирокида катта тантаналарга айланиб кетади. Миллий маданий марказларнинг “Уч авлод учрашувлари” тадбирларидаги фаол иштирокини алоҳида таъкидлаш лозим. Кўп миллатли жамиятимизда “Ўзбекистон — умумий уйимиз” ғояси барча миллий маданий марказлар шioriга айланиши бежиз эмас.

Қўмита томонидан 2023 йилда мамлакатимизда турли миллатларнинг дўстлиги ва тотувлигини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қаратилган қатор тадбирлар режалаштирилган.

Биз хорижий мамлакатларнинг қатор давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйганимиз. Бундан ташқари, чет элдаги ватандошлар билан яқин алоқалар ўрнатилган. Ўз ваколатимиз доирасида ўзбек тили ва маданиятини сақлаш, ривожлантириш, миллий аъёнларимизни тарғиб қилишда уларга ёрдам берамиз. Ҳар йили Қозоғистон, Қирғизистон, Хитой, АҚШ, Тожикистон, Финляндия, Латвия, Литва, Эстония, Туркия, Жанубий Корея ва Японияда истиқомат қилувчи ватандошлар билан учрашувлар, видеоконференциялар ташкил этиб борамиз.

Ҳозирги кунда 10 миллиондан ортиқ ватандошимиз хорижда яшаб келмоқда. Булар этник ўзбеклар ва Ўзбекистондан чиққан турли миллат вакиллари. Уларнинг аксарияти Марказий Осиё, Европа ва Осиё мамлакатларида, АҚШда яшайди. Дунёнинг қўллаб-даватларидаги юртдош

ларимизга қўмаклашиш, алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш масалалари қўмитамизнинг асосий йўналишларидандир. Чет элга ўқиш, ишлаш ва доимий яшаш учун кетган қўллаб-қўрдошларимиз бутун тарихий ватани — Ўзбекистон билан мунтазам алоқада бўлиб келмоқда.

Марказий Осиё, Еврооисё ва Америкадаги юртдошларимиз 170 дан ортиқ миллий маданий марказ ва жамиятни ташкил этган. Қўмита бугунги кунда уларнинг 80 га яқини билан алоқалар ўрнатган.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида бу йўналишдаги давлат сиёсати мантқий давомий бўлган қатор вазифалар белгилаб берилган. Хусусан, миллий маданий марказларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясининг изчиллигини таъминлаш, турли миллат ёшлари учун янада қўлай шaroитлар яратиш, уларнинг фуқаролик бурчини ҳис этиши ва англаши, ватанпарварлик ҳиссини қўчайтириш, бағрикенгликка асосланган миллатлараро мулоқот маданиятини ошириш белгиланган.

Хорижий тилларда миллатлараро муносабатлар соҳасида давлат сиёсатини ёритаётган оммавий ахборот воситалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида қўшима чора-тадбирлар кўриш кўзда тутилган. Хорижий давлатлар билан дўстлик алоқаларини ривожлантириш мақсадида дўстлик жамиятлари фаолиятини такомиллаштириш биз учун ҳам муҳим вазифалардан биридир.

Ўзбекистон очик ва конструктив сиёсати туфайли минтақадаги йирик сиёсий, иқтисодий ва маданий марказга айланмоқда.

Юртимизда ҳар йили 30 июлда Халқлар дўстлиги кўни байрам сифатида нишонланмоқда. Байрам доирасида қўмита томонидан ҳокимликлар ва турли ташкилотлар билан ҳамкорликда мамлакатимизда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни тарғиб этишга қаратилган концертлар, халқ сайиллари, маънавий-маърифий ва илмий-амалий тадбирлар, танлов ва кўргазмалар ташкил этилади.

Бу каби тадбирлар жамиятда миллатлараро тотувлики, бағрикенглик ва инсонпарварлигини янада мустаҳкамлашга, халқлар ва давлатлар ўртасидаги дўстона, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабатларни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Мустақиллик йилларида эришилган барча ютуқларимизнинг асоси аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликдир. Бу бойлиқни асраб-авайлашимиз ва келажақ авлодларга етказишимиз керак. Зеро, тинчлик ва осийшталлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик замонавий Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятидир.

Юртимизда ҳукм сураётган миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик абадий бўлсин!



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

шақллантиради. Чўнки тадбиркор аёлнинг ўзис, фарзандлари, oilасидан кўнгли тинч бўлса, эртанги кўнга умиди, ишончи юксалади. Бугун бизнинг дилимизда ана шундай қувонч, ишонч бор, десам муболага бўлмайди.

Мана, яқинда Президентимизнинг тадбиркорлар билан очик мулоқотида тадбиркорликни янада ривожлантириш бўйича муҳим ташаббуслар илгари сурилгани бизни

## ХАР БИР ҚАДАМ — БИТТА ИМКОНИЯТ

### улардан фойдаланишни билсак бас

Инсон борки, мақсад билан яшайди. Орзу-умидлари рўёбга чиқиши учун тинмай интилади, ҳаракат қилади. Бу борада энг муҳими, тинчлик ва осойишталик муҳитидир. Оиладаги тинчлик ва фаровонлик унинг мустаҳкамлигини таъминлайди. Мамлакат тараққиёти ва истиқболини ҳам элу юртдаги тинчлик-осойишталик белгилайди. Бизнинг энг катта бахтимиз ана шундай даврда яшаётганимиздир. Хотиржамлик — барча муваффақиятларнинг очкичи.



**Сардор БОЗОРБОЕВ,**  
**Ўзбекистон Миллий**  
**университети таянч**  
**докторанти,**  
**“Мард ўғлон” давлат**  
**мукофоти совриндори**

Хоразм вилоятининг Гурлан туманида туғилиб, камолга етдим. Мактабга қадам қўйган илк кўнларданок математикага қизиқиб қолдим. Бир кўни устозимиз “Математика — энг мукаммал фан. Чўнки 2 қарра 2 Ерда ҳам, Марс сайёрасида ҳам 4 бўлади”, деди. Бу гап иштиёқимни янада оширди. Рақамлар, мисол ва масалалар кўну тун ҳаёлимда айланаверарди. Бирор масаланинг ечимини топмагўча хотиржам бўлмасдим.

Бошлангич синфни битириш арафасида ўқитувчимиз математика фанига қизиқишимни қўриб, ота-онамга менда қобилият борлигини айтган экан. Ота-онам мени қўллаб-қувватлади, билим олишим учун барча шарoитни яратиб берди. Ҳаракатларим бесамар кетмади, имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, 6-синфдан андиқ фанларга ихтисослаштирилган мактабда ўқишни давом эттирдим. Бу мактаб менга республика ва халқаро фан олимпиадаларида билимимни намоян этиш учун катта имконият берди.

Ҳар бир олимпиадада кейинги ютуқлар учун қадам эди, бир натижа иккинчиси-га руҳлантирарди. Халқаро математика олимпиадаларида 5 олтин, 1 кумуш ва 1 бронза медални қўлга киритдим. Таиландда ўтказилган Жаҳон фан олимпиадасида қўлга киритган муваффақиятим Ўзбекистон Миллий университетида ўқиш имтиёзини берди. 100 дан ортиқ давлатдан 600 дан зиёд ўқувчи иштирок этган бу олимпиадада бир воқеа мени жуда руҳлантирди: энг мураккаб масалани ноодатий усулда еганимни кўрган Халқаро математика олимпиадаси маспахат кенгаши раиси, сербиялик таниқли математик Д.Жугич ёнимга келиб, қаерданлигимни сўради. Мен “Ўзбекистонданман, Хоразмда туғилганман”, десам, “Ха, сен буюк олим Хоразмий юртидан экансан, масалага бежиз бу усул билан ёндашмасан”, дея алқайди. Бу эътироддан фахрланиб кетдим. Олдимга катта-катта мақсадлар қўйдим.

Университетдаги ҳар бир кўним ҳисоб-китобли эди. Бир ишни бошладимми, қанчалик қийин бўлмасин, ҳеч

УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

қачон ярим йўлда ташлаб кетмаганман. Устозим академик Азимбой Саъдуллаев бугунги давр ёшларини бир ерга жамласангиз, минг йилдан бўён ечим топилай келаётган қийин масалаларни ҳам ечиб беришга қодир, дея таъкидлаган эди. Буни синаб кўрдим. 8-9 синф ўқувчиларига ёшига мослаштирилган дарсликлардан ташқари олий математикага оид топшириқларни ҳам бердим. Чиндан, улар энг қийин мавзуларни ҳам ўзлаштириб, амалда қўллай олди. Бунинг ортидан халқаро олимпиадаларда қўлиб бўлмоқда. Билганларимни ёш математикларга ўргатаётганим, уларнинг юқори натижаларга эришаётгани Ватанимиз тараққиётига қўшган кичик ҳиссамдир.

Қувонарлики, мен бугун ҳам ёш олим, ҳам тадбиркор сифатида фаолият юритапман. Тажрибамни ёшларга улаиши мақсадида 2020 йилда Хоразмий номидаги халқаро олимпиада мактабини ташкил этдик. Шоғирдларим билан биргаллик 8 та инновацион дарслик нашрдан чиқардик. 2020 йил бутун дунёга коронавирс пандемияси кириб келган вақтда khiso.uz онлайн олимпиадалар платформасини ва КУНТЕСТИ мобил иловаларини ишлаб чиқдик. Ҳозир платформамиз ўқувчилари сони Марказий Осиёда биринчи ўринда туради. “KHISO OLYMPIAD SCHOOL” олимпиада мактабимизда 200 га яқин ўқувчи илм олади.

Безан ортага қарайман: 6-синфдан уйимиздан 20 километр узоқликдаги математикага ихтисослашган мактабда ўқишни бошлашга, у ерга велосипедда қўшни бошлаган эдим. Ёзда иссиқдан, қишда совуқдан қийналардим. Лекин бу синовларни енгиб ўтишда раҳматли отамнинг меҳрли насихатлари менга ёрдам берарди. Мактабдан то олий таълим муассасасигача деярли ҳар бир олимпиадада муваффақият қозондим ва академик лицей, университет, магистратура, ҳатто докторантурага ҳам имтиёз асосида имтиҳонларсиз қабул қилиндим.

2019 йил 24 май ҳаётиmda яна бир катта ўзгаришни бошлаб берди. Шу кўни Президентимиз Олимзор туманига таширфи давомида университетимизда бўлиб, олимлар ва талабалар билан суҳбатлашди, мавжуд муаммолар билан танишди. Учрашувда мен тақдирларимни билдирдим, мақсадларим ҳақида айтиб бердим. Давлатимиз раҳбари ютуқларимни эътироф этиб, “COBALT” автомобилли совға қилди ва Халқ таълими вазирлигига ишга қабул қилишга кўрсатма берди.

Сўзим аввалда таъкидлаганим, тинчлик ва осойишталик туфайли илм билан машғулмиз, қўлдан келганча мамлакат тараққиётига ҳисса қўиш учун ҳаракат қилаймиз. Ана шу хотиржамлик ва шарoитлар туфайли ютуқларга эришяпмиз. “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирланишим, Президент стипендиясига муносиб қўрилишим — буларнинг бари ана шу имкониятлар меваси.

Айни пайтда Ўзбекистон Миллий университети таянч докторантиман. Мақсадларим жуда кўп. Етуқ академик бўлиш учун иланишдаман. Бугун ҳар бир қадам — битта имконият, улардан фойдаланишни билсак бас. Шарoит ва имкониятлар етарлича яратилляпти. Улардан унумли фойдалансак, Ўзбекистонимиз янада тараққиёт этади.

УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

биримизга боғлиқ. Биз ҳам бу эзгу ишларнинг тезроқ амалга ошиши йўлида камарбаста бўлмоғимиз шарт. Шу мақсадда ўтган йилларда ортирган тажрибамни ёшларга ўргатиш, тадбиркорлар сафини кенгайтиришга ўз ҳиссамни қўиш мақсадида туманимиздаги Хотин-қизлар тадбиркорлик марказига ҳам етакчилик қилмоқдаман. Марказимизда аёлларга бозорда талаб юқори бўлган касблар бўйича сабоқ берилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида тўрт юз элликка яқин хотин-қиз ушбу ўқув курсларида малака оширди. Улардан икки юз эллик насафарига тикув машинаси олиб берилди.

Бирок ҳудудимизда ҳали хунар ўрганаман, ишлайман, oilамага даромад келтирмаман, дейдиган аёллар сони анчагина. Уларнинг ҳаммаси ҳам бизга бевосита муурожаат қилавермайди. Бизнинг вазифамиз oilаларга кириб бориб ҳар бир аёл билан бевосита мулоқот қилиш, уларни қийнаётган муаммоларни аниқлаш, аинқиса, ишсиз, қўлида бирор касби йўқ хотин-қизларни излаб топиб, уларга қўмак бериш. Шу мақсадда маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари ва хотин-қизлар фаоллари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз. Ўқув курсларини фақат туман марказидагина ташкил этиш билан чекланмаймиз. Чека-чекка қишлоқларга ҳам бориб, маҳалла гузаридида аёлларни тўллаб, уларга ўқув машғулотлари ташкил этатмиз.

Зеро, аёлнинг қўлида хунари ёки касби бўлса, ҳаётда қоқилмайди, муаммолари вазиятга тўғли қолса, осон чиқиб кетади. Бундан, аввало, унинг фарзандлари, oilаси, қолаверса жамият фойда кўради. Шундай экан, тадбиркорлик ривожини йўлида қўйилган ҳар бир қадам oilа, жамият ва мамлакат ривожига мустаҳкам пойдевор яратади.





